



АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 370-374 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Имомқулов Тўлқин Бурхонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқларида инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳамда ҳалқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш орқали иқтисодиётга таъсири бўйича илмий ёндашувлар, шу билан бирга тижорат банклари томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Иқтисодиёт, банк, инвестиция, инвестиция фаолияти, ҳалқаро молия институтлари, кредит, фоиз ставкаси, ишлаб чиқариш.

ПЕРСПЕКТИВЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: В статье анализируются источники финансирования инвестиционной деятельности в отраслях экономики и ситуация с привлечением средств международных финансовых институтов. Также разработаны научные подходы к влиянию на экономику через инвестиции, а также предложения по развитию инвестиционной деятельности коммерческих банков.

Ключевые слова: Экономика, банк, инвестиции, инвестиционная деятельность, международные финансовые институты, кредит, процентные ставки, производство.

PROSPECTS OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITIES

Abstract: The article analyzes the sources of financing of investment activities in the sectors of the economy and the situation with the attraction of funds from international financial institutions. Also, scientific approaches to influencing the economy through investment have been developed, as well as proposals for the development of investment activities of commercial banks.

Keywords: Economics, banking, investment, investment activities, international financial institutions, credit, interest rates, manufacturing.

1. Кириш

Иқтисодиётда ишлаб чиқариши молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва унда хорижий инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилиш билан бирга, қўшимча молиялаштириш манбасини топиш имконини беради.

Мамлакатнинг 5 йиллик бош режаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси)да таъкидланганидек, мамлакатимиз “иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иктисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иктисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иктисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш"¹га йўналтирилган сиёсатни мамлакатимизда иктисодиётни либераллаштириш орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Бугунги қунда мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, мамлакатнинг иктисодий ривожланиши, оила даромади ва унинг фаровонлиги, янги иш ўринларининг ташкил этилиши айнан ушбу тадбиркорлик ривожи ҳиссасига тўғри келмоқда.

2. Таҳлилий ва натижалар.

Шу жумладан, мамлакатимизда маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда².

Давлат инвестиция дастурлари доирасида ажратилган бюджет маблағлари таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йилда обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун 7,3 трлн.сўм молиялаштириб берилган бўлса, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,4 трлн.сўм ёки 2,8 баробарга ошди.

Шу билан бирга, 2020 йилда коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида Инқизорга қарши қурашиш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, ушбу Жамғармадан обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағларни инобатта олган ҳолда **15,8 трлн.сўм** молиялаштириб берилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон республикасининг 2020 -2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сонли қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон

**2017-2021 йилларда Инвестиция дастури доирасида Давлат бюджети хисобидан йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

№	Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил			2020 йил		2021 йил		
		объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Ижро	объект сони	Режа		
	Жами	1 842	7 364,6	2 949	12 705,3	3 630	20 466,1	5 253	15 828,3	2 029	17 700,0		
1	Маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа объектлар	404	3 162,5	754	5 400,6	975	8 258,6	1 264	4 705,8	683	8 050,0		
1.1	<i>Республика вазирлик ва иборалар</i>	248	1 773,2	497	3 017,5	648	3 899,4	670	3 587,7	392	5 388,9		
1.2	<i>Хўдудий ҳокимликлар обьектилари</i>	156	1 389,3	257	2 383,1	327	4 359,2	594	1 118,0	291	2 661,1		
2	Автомобиль йўллари	57	1 840,7	82	2 293,8	77	2 940,6	1 978	2 252,6	102	2 200,0		
3	Ижтимоий соҳа обьектилари	1 053	1 998,4	1 175	3 749,6	1 730	6 616,9	1 292	6 295,5	856	5 450,0		
3.1	<i>Мактабгача таълим муассасалари</i>	306	255,6	375	1 261,4	525	1 804,3	434	1 461,1	225	900,0		
3.2	<i>Ўзумнавътилмак мактаблари</i>	486	702,0	360	739,4	771	1 932,4	532	2 010,3	432	2 250,0		
3.3	<i>Иктиносашинирилга и олимия заҳиралари мактаби шартномалари</i>	61	75,8	14	75,0	8	56,5	13	101,8				
3.4	<i>Тиббийт муассасалари</i>	173	528,5	370	1 097,8	344	1 894,7	263	1 995,4	131	1 400,0		
3.5	<i>Илмий таққиот институтлари</i>			8	26,5	12	32,3	13	43,3	14	50,0		
3.6	<i>Болалар мусиқа ва санъат мактаблари</i>	8	47,4	6	25,4	12	66,6	2	7,6	18	150,0		
3.7	<i>Онӣ таълим муассасалари</i>	19	389,3	42	524,1	58	830,1	35	676,1	36	700,0		
4	Мелиорация соҳаси	161	239,6	173	279,5	185	436,5	151	288,4	84	300,0		
5	Иҷимлик ва оқава суви таъминоти			329	717,8	305	1 661,5	383	1 914,5	147	1 100,0		
6	Оролбўйи минтақасини ривожлантириш	167	123,5	436	264,0	303	302,8	149	202,2	102	200,0		
7	Жисмоний тарбия ва спорт обьектлари					55	249,2	36	169,3	55	400,0		

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сонли “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2021 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида 17,7 трлн.сўм ажратиб бериш кўзда тутилган, жумладан:

683 та маъмурий, инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа обьектлар учун 8,0 трлн.сўм;

856 та ижтимоий соҳа обьектларини қуриш, реконструкция ишлари учун – 2,2 трлн.сўм таъмираш учун 5,5 трлн.сўм;

автомобиль йўларини қуриш ва реконструкция ишлари учун – 2,2 трлн.сўм

ичимлик ва оқава сув таъминоти учун – 1,1 трлн.сўм;

мелиорация соҳасига – 0,3 трлн.сўм ва бошқалар.

3. Ҳулоса ва таклифлар

Истиқболли инвестицияларни дастурларини марказлашган бюджет маблағлари хисобидан молиялаштириши тизимили ва аниқ мақсадга йўналтирилган механизмларини амалга ошириш келгусида иқтисодий барқарорликни таъминлашга ва аҳолини бандлик даражасини ошириш ва камбағаликкни қисқартиришга зарурий омил ҳисобланади. Бундан ташқари, қилиб шуни таъкидлаш керакки, миллий иқтисодиётимиз учун инвестицияларнинг аҳамияти бир қатор омилларга боғлиқ, улар орасида қўйидагилар алоҳида ажralиб туради: йирик инвестиция лойиҳаларини қўшимча молиялаштириш имконияти;

энг янги технологиялар ва ускуналарга, инновацион лойиҳаларга чет эл сармоясини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш. Шу билан бирга, мамлакатимизда кўпинча корхоналарни техник ва молиявий жиҳатдан кучли бўлган рақобатчилардан ҳимоя қилиш истаги билан таъқиб қилинади. Масалан, импорт қилинадиган товарларга катта миқдордаги импорт божлари жорий этилиши муносабати билан республикамиз корхоналарига ўзларининг эскирган маҳсулотларини ички бозорларда кейинчалик оширилган нархларда сотиш учун қулай имконият яратилмоқда. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва усулларини ривожлантиришда қуйидаги таклиф-тавсиялардан фойдаланиш молиялаштириш сифатини таъминлаш ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади:

Худудларда янги ташкил этилаётган корхоналарга ер ажратища суғориладиган ерлар танланганда хисобланадиган нобудгарчилик суммаси бир марта тўланиши ўрнига ташкил этилаётган корхона уставига махаллий ҳокимият улуши сифатида мутаносиб шакллантиришнинг қонуний мезонларни ишлаб чиқиши. Бунда давлат ҳусусий шерикчилиги тўғрисидаги қонунда кўрсатилган 51% давлат улуши ташкил этилаётган тадбиркорлиги субъекти билан музокаралар орқали киритиладиган инвестиция суммасига мутаносиб шакллантириш механизмини ишлаб чиқиши. Хориждан харид қилинган технологияларни олиб келишдаги транспорт-логистика хизматларининг қимматлиги, рақобатбардош эмаслиги, ҳаво транспортида юк ва йўловчи ташишда – жаҳон бозорида ёқилғи-энергетика ресурслари қийматининг тушиб бораётган ҳозирги шароитида транспорт-логистика хизматлари компанияларининг монополиясига чек қўйиш ҳамда улар ўртасида рақобатни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир. Инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги – банкларнинг АБР, ЖАЙКА, МАР каби йўналишдаги 5-7% ставкасини сақлаган ҳолда фақат йирик лойиҳаларга эмас, ўрта, кичик бизнес ва истемол кредитлари портфелларини шакллантириш лозим. Шунингдек инвестиция фонdlари, сугурта ва лизинг компаниялари фаолиятини ҳам рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш. Ислом молия инструментлари меъёрларига мувофиқ экспорт-импортни, лойиҳавий ва синдикатлашган молиялаштиришда, қимматли қоғозларни чиқаришда исломий банк актив амалиётларини йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорларга ислом молияси инструментлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш зарур. Юқорида кўриб ўтилган вазифаларни имкон қадар тезроқ ва самарали ўз ечимини топиши, нафақат, инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари қийматини баҳолашда, балки давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ҳолатини ва аҳолининг фаровон ҳаёт тарзини янада яхшилашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

1. Каримов Н.Г., Хожиматов Р.Х., Раззоқов Ж.Х. Инвестиция: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019.
2. Қосимов М.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт, 2019.

3. Салимов Б, Хотамов И., Инвестиция фаоллик: таҳлил ва имкониятлар: Монография. –Т:Инновацион ривожланиш нашриёти, 2019.
4. Махмудов Н.М, Авазов.Н.Р., Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари: Илмий-оммабоп рисола. Т-: ТДИУ, 2019.
5. Хужамқулов Д.Ю., Исмаилов Д.А., Инвестиция лойиҳаларини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019.
6. А.Ш.Бекмуродов, Я.К.Карриева, ва бошқалар. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011.
7. Фозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2003.
8. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. –Т.: Фан ва технология, 2007.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

